

Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 13438 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-сентябрда ялпи худудий маҳсулотнинг 68,8 фоизи (2016 йил январь-сентябрда 69,1 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

638,7 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 77,3 фоизи), шундан банд бўлганларнинг 352,1 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 121,8 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар хиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2068,7 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 45,3 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 98,2 фоизни ташкил қилди;

- 3295,4 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 106,4 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 98,7 фоизи) ташкил қилди.

- 763,4 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 10,4 фоизи) ўзлаштирилди

- 1320,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (курилиш ишлари умумий ҳажмининг 69,1 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 4,7 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 9,0 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 79,5 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 9,2 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 94,6 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 92,3 фоизи ёки 4392,3 млрд. сўми (ўсиш 18,5 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 71,6 фоизи ёки 2379,4 млрд. сўми (пасайиш 1,6 фоиз) шакллантирилди;

- 67,5 млн.АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 49,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 66,2 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 14,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2017 йилнинг январь-сентябрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қўйидагича ифодаланади:

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % хисобида
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиги	3295,4	100,0
Саноат	2068,7	62,9
Қурилиш	1320,5	69,1
Чакана савдо	4392,3	88,1
Юк ташиш, млн тн.	56,9	45,4
Йўловчи ташиш, млн.киши	285,3	88,4
Экспорт, млн.АҚШ долл.	67,5	0,1
Импорт млн. АҚШ долл.	66,2	13,9

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз хисобида

